Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2010-yil 9-yanvar № 4 (2729) shanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Моҳият

Ривожланган давлатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам шаклланиб келаётган ўрта синф бўлмиш мулкдорлар синфининг муҳим таркибий қисми, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг таянчи ва суянчи ҳисобланади.

Ислом КАРИМОВ

«TURON PORCELAIN» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган «Пахта», «Атлас», «Ресторан», «Дворцовый» чинни буюмлар тўпламлари харидорларга манзур бўлмоқда.

Суратларда: *рассом Сайёра Абдукаримова; маҳсулотлардан намуналар.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

Тадбир

Ёш авлод

дунёқарашини ўстирайлик

2010 йилнинг бошланишида Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат ҳизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Аёллар форуми» ўтказилди.

— Мазкур тадбирнинг йил бошида ўтаётгани ўзига хос рамзий маънога эга, — деди уни очар экан тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгаши раиси Жория Алимходжаева. — Чунки жорий йил Президентимиз ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» дея номланди. Шу боис бугунги тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ўсмирлар ва қизлар билан ишлашнинг янги шаклларини топиш ва уларни маънавий баркамол инсон этиб тарбиялашдир.

Дарҳақиқат, тармоқда ишлаётган аёлларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. 28 та тармоқ келишувида уларга кўнгилдагидек иш шароити яратиш, меҳнатларини муҳофазалаш бўйича имтиёзлар белгиланган. Шунингдек, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Аёллар кенгаши» ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик самара бермоқда.

«Аёллар форуми»да Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Гулнора Маърупова, Олий Мажлис сенатори, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари Фарида Абдураҳимова, «Оила» республика илмий-амалий маркази раиси Васила Каримова ҳамда бу ишга мутасадди кишилар иштирок этиб, ёш авлод тарбияси, оилани мустаҳкамлаш борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Форумга йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб олишди.

Сўз — анжуман қатнашчиларига

Махфират Каримова, тармоқнинг Данғара туман вакили:

— Ўтган йилларимга назар ташлаб, ниҳоятда бахтли инсон эканлигимга иймон келтираман. Чунки 30 йилдан буён инсон манфаатлари йўлида хизмат қилиб келаяпман. Мутахассислигим иккита — ҳуқуқшунос ҳамда педагогман. Кўпчилик билан тил топишда бу менга жуда кўп келяпти.

2009 йил биз учун анча баракали келди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бир қатор жамғармалар билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказдик. Жорий йилда ҳам асосий эътиборни ёшлар билан ишлашга қаратамиз.

Роҳила Ишалиева, тармоқнинг Шаҳрисабз туман вакили:

— Кенгашимиз 19 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган бўлиб, 700 нафар аъзомиз бор. Ўтган йили турли семинарлар ўтказдик. Касаба уюшма фаолларига тавсияларимиз билан ёрдам бериб, услубий қўлланмалар тарқатдик. Ўқув марказлари ташкил этдик. Уларда ёшлар турли касб сирларини эгаллашмоқда. Шунингдек, касаначиликни ҳам ривожлантираяпмиз. Шунинг ҳисобига 300 дан зиёд йигит-қиз ишли бўлди.

Бу йилги режаларимиз янада улкан. «Ҳуқуқий маслаҳатхона» очмоқчимиз. Мактаб ва коллеж талабалари ўртасида турли танловлар, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан Мироқи қўрғонида спартакиада ўтказишни ният қилганмиз.

(Ўз мухбиримиз)

Эътибор

Тошкент шаҳар ҳокимияти, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари томонидан вилоятлардан келиб, пойтахтимиз шифохоналарида даволанаётган болаларни янги йилда байрам билан табриклаш анъанага айланган. Бу йил ҳам Тошкентдаги шифохоналарда даволанаётган 792 нафар болага совғалар топширилди, Корбобо ва Қорқиз уларга байрамона кайфият улашди.

Яхши кайфият улашиб

— Соғлиғим яхши. Ўзим ҳам келгусида шифокор бўлмоқчиман. Янги йилни шифохонада кутиб олдим, байрам дастурига бошловчилик қилиш менга жуда ёқди. Дўстларим билан шеър, қўшиқ айтиб, рақсга тушдик, — дейди 13 яшар Раҳматжон Мўминжонов.

Шунингдек, Тошкент шаҳри маҳаллаларидаги кам таъминланган, кўп болали оилалар, таълим муассасалари ҳамда фаолияти ногиронларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор ташкилотларга Тошкент давлат циркидаги Янги йил томошалари учун 7200 та бепул чипта берилди. Республика уруш ва меҳнат ветеранлари пансионатида даволанаётган 200 га яқин ёлғиз кексаларга ҳам совға-салом топширилди.

Нозима РАҲИМОВА,
«Ishonch» мухбири

Янги йил янгиликлари

Марғилон шаҳридаги «Қиргули» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Усмон Носир кўчасида шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорликда Ахборот-ресурс ва компютер маркази ташкил этди.

Ахборот-ресурс маркази

— Компютерга қизиққан ёшлар кўп-у, шуғулланадиган жой йўқ эди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Обиджон Ҳожираҳматов. — Мана энди болалар бу ердан исталган китобни топиши, компютерда малакасини ошириши мумкин.

Марказ зарур инвентар ва жиҳозлар билан тўла таъминланди. 8212 та китоб захираси яратилди. 5 та янги компютер ўрнатилди. Ва албатта, тажрибали мутахассис-мураббийлар жалб этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ташаббуси билан 3 ойлик бепул компютер саводхонлиги тўгараги фаолият кўрсата бошлади. Унда 30 нафар ўқувчи сабоқ олмоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Питнак шаҳрида фаолият юритаётган «Озода-нон» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг маҳсулотлари Урганч шаҳри, Ҳазорасп тумани ва Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл тумани истеъмолчиларига узлуксиз етказиб берилаяпти.

Истеъмолчилар мамнун

Умидбек Матёқубов раҳбарлик қилаётган корхонада ўттизга яқин ишчи меҳнат қилади. Улар ишлаб чиқараётган етти турдаги маҳсулот сифатли ва тўйимлилиги билан кўпчиликка манзур.

Корхона раҳбарияти ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш йўлида изланмоқда. Айни пайтда Ҳазорасп туман марказида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилган. Ушбу мажмуа фаолият бошласа, 40 дан зиёд киши иш билан таъминланади.

Аҳмаджон ШОКИРОВ

Навоий вилоятида жорий йилда йўл қурилиши бўйича эътиборли ишлар амалга оширилди. Навоий кўприк хўжалигини саклашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси жамоаси Навоий халқаро аэропортида кенг кўламли ишларни бажарди.

Йўлсозлар ҳиммати

Шунингдек, Навоий шаҳридан Қизилтепа туманига олиб борадиган 8 км. йўл таъмирланди.

Тажрибали йўлсоз Аваз Раҳимов иш юритувчилик қилаётган участканинг Қувондиқ Ботиров, Фахриддин Ярашев, Янгибой Рустамов сингари илғор ишчилар фидокорона меҳнати билан жамоадошларига ибрат бўлишди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Элликқалъада шойи, атлас, адрас ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги тўғрисидаги хабар воҳа аёлларини хушнуд қилди. Анъаналаримиз тикланаётганлиги туфайли миллий либосларимизга талаб ортганлиги элликқалъалик ишбилармонларни фаолликка ундади.

Атлас жилоси

Бултур туманда «Ёдгорлик – Бўстон» масъулияти чекланган жамияти ташкил қилинди. Марғилондаги «Ёдгорлик – Марғилон» МЧЖ билан йўлга қўйилган мустаҳкам ҳамкорлик самарасини бера бошлади. Марғилондан келган усталар маҳаллий ёшларга тўқимачилик сирларини ўргатишди. Эндиликда элликқалъалик 26 нафар хотин-қиз миллий матолар тўқиш маҳоратини эгаллаб, маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди.

Дарвоқе, ушбу корхона банки гранти асосида иш юритади. Лойиҳа тўла амалга ошса, туманда яна 150 дан зиёд иш ўрни яратилади.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Сарҳадларда ҳамиша ҳушёр

Ҳақиқий посбон шундай бўлади

Бугун чақирув ёшига етган ёшларнинг миллий армиямизда хизмат қилишга бўлган иштиёқи кун сайин ортмоқда. Эл-юрт корига камарбаста бўлиб, жонажон Ватан сарҳадларини асраш, химоя қилиш йигитларнинг олий мақсадига айланиб улгурди.

Оддий аскар Аброр Каримов муддатли ҳарбий хизматга Наманган вилояти Косонсой тумани мудофаа ишлари бўлими томонидан чақирилган.

— Миллий армиямизда хизмат қилаётганимдан фахрланаман, — дейди аскар. — Бу ерда ўз-ўзимга баҳо бериш имконига эга бўлдим. Айниқса, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари кўпроқ ёқади. Билим ва малакам ошишида қисм миқёсида ўтказилган турли интеллектуал ўйин ва мусобақалар муҳим ўрин тутмоқда. Анъанавий тарзда ўтказиладиган спорт мусобақалари ҳар томонлама етук посбон бўлиб шаклланишимизга хизмат қилаяпти.

Дарҳақиқат, болалигидан спортнинг енгил атлетика тури билан мунтазам шуғулланган йигит ҳарбий қисмда бўладиган мусобақаларда ҳамиша фаол. Айниқса, қисқа ва узоқ масофаларга югуришда етакчилардан.

Командирлар бежизга уни: «Ҳақиқий посбон шундай бўлади», деб мақташмайди. У интилувчанлиги, тиришқоқлиги, хизмат давомида зиммасидаги вазифаларни аъло даражада адо этиши орқали сафдошлари орасида ҳурмат қозониб, командирлар назарига тушди.

Ҳарбий қасамёд қабул қиладиган куни фарзандини кўришга келган Ғайбулло ака ва Инобат опа қисмда аскарларга яратилган қулай шарт-шароитлардан қувонишди. Айниқса, офицер ва сержантлар Аброр ҳақида илиқ сўзларни айтганда, бошлари кўкка етгудай бўлди.

— Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, университетга ўқишга кириш истагидаман, — дейди аскар.

Кўзларида эртанги кунга ишонч акс этган йигитнинг орзулари рўёбга чиқишига биз ҳам тилакдошмиз.

Жамшид НИЁЗОВ

Республикада биринчи

Гулистон шаҳридаги 1-оилавий поликлиника шифокорлари аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий-эпидемиологик муҳитни барқарорлаштириш каби йўналишлар бўйича энг юқори кўрсаткичга эришгани учун республика танловида биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

— Жамоамиз эришган муваффақиятдан фахрланамиз, — дейди поликлиника бош врачи Саидаҳмад Ҳамроқулов.

Янги маркадаги лаборатория воситалари, замонавий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар эришилган ютуқларга мустаҳкам замин яратди. Туғиш ёшидаги 5462 нафар аёл, ўн тўрт ёшгача бўлган 5241 та боланинг саломатлиги ҳамиша назоратда. Олий тоифали шифокорлар Меҳринисо Тоғаева, Осиё Шавқиева, Елена Хлебная, Гулбаҳор Аҳмедованинг хизматидан аҳоли мамнун.

Пиримкул ДЎСТМАМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Эътироф

«Нуристон» ёғдуси

Ташкил топганига энди тўккиз йил бўлган «Нуристон» академик лицейининг довруғини нафақат Қашқадарёда, ҳатто республикамизда ҳам яхши билишади. Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти қошида очилган таълим маскани қиска муддатда эл-юртга кўплаб билимли ёшларни етказиб берди. Академик лицей 720 ўринли ўқув биноси ва 380 ўқувчи яшайдиган турар-жойдан иборат бўлиб, ўқув хоналари замон талабига мос равишда жиҳозланган. 3 та компютер, 1 та интернет, 5 та лингафон хоналари, барча қулайликларга эга бўлган 2 та спорт зали, биология, кимё, физика фанларини ўқитиш учун лабораториялар ишлаб турибди.

Дарслар чуқурлаштирилган ўқув режаси асосида ўтилмоқда. Ўқувчилар бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари учун фан ва спорт тўгараклари, иқтидорли ёшлар билан ишлаш ва ахборот-ресурс, ахборот технологиялари марказлари, «Заковат» клуби, «Нуристон» радиоси фаолият кўрсатмоқда.

Академик лицейда йўналишлар бўйича 4 та кафедра ташкил этилган бўлиб, М.Ломоносов номидаги Москва, Ўзбекистон Миллий, Тошкент Давлат техника университетлари ҳамда ЎзРФА нинг тарих институти билан ўқув илмий-услубий алоқа йўлга қўйилган. Шунингдек, Франция давлатининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорлик ўрнатилган.

— Ўқув муассасасини битирган ёшларнинг кўпчилиги бугунги кунда республикамизнинг нуфузли олий ўқув юртларида, шунингдек, хорижий давлатларда ўқишни давом эттиришмоқда, — дейди академик лицей директори, тарих фанлари номзоди Баҳром Узоқов. — Бекзод Расулов Японияннинг иқтисодиёт ва менежмент университетида, Анвар Жуманов халқаро Westminster университетида, Акбар Ҳидиров, Сивилия Криченко Россия Федерацияси олий ўқув юртларида таълим олишмоқда.

Рустам Холмурдов — рус тили ва адабиёти, Хуршида Сатторзода — она тили ва адабиёти, Қобилжон Шодмонов — математика, Ҳайитжон Турдиев — тарих, Дилноза Баҳромова — инглиз тили, Ибодат Очилова — немис тили фанларидан республика миқёсидаги танловларда совринли ўринларни қўлга киритишди.

Лицейнинг икки нафар ўқувчиси Темур Поёнов ва Дадахон Ибрагимов «Келажак овози» мегатанловининг республика босқичида, Соня Эргашева «Бу ажиб дунёни яратишда фаннинг тутган ўрни» мавзуидаги иншолар танловида ғолиб бўлишди.

Илмий-назарий конференциялар ўтказиш анъанага айланган. Айниқса, жорий йилда «Ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт — маънавиятнинг шаклланишига ўзига хос таъсир ўтказади» мавзуида уюштирилган анжуман ўқувчиларнинг билим ва иқтидорини яна бир бор синовдан ўтказди. 203-гуруҳ ўқувчиси Дадахон Ибрагимовнинг «Нефт ва газ саноатида машъала қурилмасининг янгича ёқилиш усули» деб номланган ижодий иши мамлакат миқёсидаги илмий-амалий конференцияга тақдим этилди.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Уларнинг билим ва кўникмалари шакллантирилиб, фанларни чуқур ўзлаштириш орқали ижодкорликка ҳам йўналтириб борилмоқда. Гулҳаё Рамазонова, Мухлиса Эгамбердиева, Жаҳонгир Сафаров, Юлдуз Исломова, Санжар Эшмуродов, Дилнавоз Бердиева, Матлуба Жўраева, Дилхушбону Ҳамроеваларнинг илк ва шеърий тўпламлари нашр этилган. «Нуристон» радиоси эшиттиришлари ўсмирёшларга кўтаринки кайфият улашиш билан биргаликда уларни изланишга, иқтидорларини сайқаллаштириб боришга чорламоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Ishonch
2010-yil 9-yanvar № 4 (2729)

Жамоат назорати — амалда

Меҳнат ҳуқуқи ҳимоясида

Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида фуқароларнинг мурожаатлари чуқур ўрганилиб, керакли чоралар кўрилади. Бирлашма кенгаши раисининг ўринбосари Бахтиёр Дадажонов билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Меҳнатга оид ҳуқуқлари бузилган меҳнаткашларнинг ҳаммаси ҳам ўз вақтида касаба уюшмаси ёки бошқа органга мурожаат қилишмайди. Бу эса бузилган ҳуқуқлар тикланишини таъминлашда бирмунча қийинчилик туғдиради, — дейди Бахтиёр Дадажонов. — Ҳуқуқи у ёки бу кўринишда бузилган, қонуний манфаатларига зиён етган ходим аксарият ҳолларда ташкилот ҳисобчиси ёки раҳбарининг қуруқ ваъдасига ишониб юраверади. Бундай ҳолатлар 2009 йилда «Турон Осиё телеком» корхонаси монтажчиси Э.Маматов, «Фарғона пиво» корхонаси ҳайдовчиси А.Назаров, Ёзёвон тумани халқ таълими бўлимининг 11 нафар ходими мурожаатларида кузатилди.

Э.Маматов 2008 йилнинг октябр ойида уяли алоқа хизмати антенналарини таъмирлаётиб, юқоридан йиқилиб тушади, яъни иш вақтида бахтсиз ҳодисага учрайди. Бироқ корхонанинг масъул ходимлари ўз вақтида Н-1 шаклидаги далолатнома тузишмади. Маматовнинг талабларини бажаришни турли баҳоналар билан орқага суриб келишди. Сабр косаси тўлган ходим 2009 йилнинг октябр ойига келиб, касаба уюшмасидан ёрдам сўрайди. Корхона раҳбарияти билан бўлган музокара кескин тус олиб, иш судгача бориб етди.

«Фарғона пиво» корхонаси ҳайдовчиси А.Назаров билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳам юқоридаги ҳолатни эслатади. Корхона раҳбарияти томонидан Н-1 далолатномасини расмийлаштириш пайсалга солинди. Корхона ҳисобчиси автоҳалокат туфайли корхонага етказилган зарарни ҳеч қандай йўл қоидасини бузмаган, аслида жабрланган А.Назаров зиммасига юклашга уринади. Ҳар томонлама сиқувда қолган Назаров 2006 йил август ойида содир бўлган бахтсиз ҳодиса тафсилотлари билан 2009 йилнинг августида, орадан роса уч йил ўтгандан сўнг касаба уюшмасига мурожаат қилди. Касаба уюшма аралашуви билан низо А.Назаров фойдасига ҳал бўлди. Унга корхонадан 3 млн. 700 минг сўм ундириб бериш ҳақида суд қарори чиқарилишига эришилди.

— Юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш, ходимнинг бузилган ҳуқуқлари барвақтроқ тикланишига эришиш учун касаба уюшма ходимлари нималарга эътибор бериши лозим?

— Аввало, жамоа шартномалари иш берувчи ва ходим манфаатларини тенг ҳимоя қилишга қаратилиши ва тўлиқ ижро этилиши устидан назоратни таъминлаб бориш лозим. Ҳозир вилоятимизда 13264 та жамоа шартномаси асосида фаолият юритаётган ташкилот ва корхона мавжуд. 2008 йилда шартномаларнинг бажарилиши натижасида, ходимларнинг ўртача манфаатдорлик даражаси 322,8 минг сўмни ташкил қилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан икки баробар кўп.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда оммавийликни таъминлаш, ҳар бир ходимнинг ўз ҳуқуқларига даъвогарлик ҳиссини шакллантириш учун ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар билан ҳамкорликда учрашувлар ўтказиш, танловлар уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда вилоят касаба уюшмалари ҳуқуқшуносларини прокуратура ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан доимий ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Ҳар бир корхона ва ташкилотда жамоатчилик тартибида доимий назорат ўрнатилган. Бу борада ишлаб чиқилган 17 та услубий қўлланма барча касаба уюшма ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат ташкилотларида қўллаб келинмоқда.

— Ўтган йил давомида бирлашма томонидан фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиши натижаларига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан 2009 йилнинг биринчи ярмида 356 та мурожаат кўриб чиқилган. Текширувлар мобайнида 167 тасида асосан иш берувчи қонунни бузган ҳолатлар аниқланган ва ходимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланган. Жумладан, ташкилот ва корхоналарга 137 та тақдимнома киритилди. 689 та талабнома асосида 56 кишининг ҳуқуқи низосиз тикланди. 21 та ҳолатга тааллуқли ҳужжат чора кўриш учун маъмурий идораларга юборилди. 1 млрд. 815 млн. 438 минг сўмлик зарар ихтиёрий равишда қопланди, 5 млрд. 878 млн. сўмлик иш ҳақидан қарздорлик бартараф этилди.

Кейинги пайтларда касаба уюшма ҳуқуқшуносларининг меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судларга даъво аризаси билан чиқиши кўпаймоқда. Жумладан, бирлашма кенгаши томонидан 2009 йилнинг биринчи ярмида фуқаролик ишлари бўйича судларга 11 та даъво аризаси берилган бўлса, шундан 9 таси судларда кўрилиб, меҳнаткашларнинг фойдасига ҳал қилинди. Булар асосан ходимларни ноқонуний ишдан бўшатиш ёки ташкилот раҳбарияти содир бўлган бахтсиз ҳодисани иш билан боғлашдан бош тортган ҳолатлардир. Масалан, Қўқон шаҳар «Гўдаклар уйи» шифокори В.Абдусатторова бош врач меҳнат шартномасини ноқонуний равишда бекор қилиб, ишга қўймаётганини ёзиб, касаба уюшмасидан ёрдам сўраган. Иш берувчи билан ҳуқуқшуносларимизнинг музокараси иш бермагач, судга даъво аризаси билан чиқдик. Натижада, В.Абдусатторова ишига тикланди ва унга етказилган зарар тўланди.

Шунингдек, «Фарғона телеком» ходими К.Юсуповнинг ойлик иш ҳақи нотўғри ҳисобланаётгани тўғрисидаги, «Фарғона сувоқава» ОАЖ ходими Н.Азизованинг ва Қува туман халқ таълими бўлимига қарашли 44-болалар боғчаси мудири Ш.Исмановнинг ишдан ноҳақ бўшатилганлиги, «Қўқон ёғ-мой» ОАЖ ходими Н.Тожибоевнинг иш жойида жароҳат олганлиги ҳақидаги шикоятлари кўриб чиқилиб, бизнинг фойдамизга ҳал қилинди. Н.Тожибоевага 1 млн. 708 минг 897 сўм товон пули ундириб берилди.

Улуғбек ИБОДИНОВ суҳбатлашди

Замонавий коллежлар

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги педагогика ва спорт коллежида мингдан зиёд йигит-қиз мактабгача тарбия, ахборот-ресурс маркази мутахассислиги, бошланғич таълим, жисмоний тарбия ва болалар спорти йўналишида таҳсил олмоқда.

Коллежда замонавий жиҳозланган фан хоналари, ёзги ва қишки спорт иншоотлари, сузиш ҳавзаси, бой китоб фондига эга кутубхона ҳамда шинам ётоқхона мавжуд.

Коллеж ёшларининг спортда эришаётган ютуқлари салмоқли бўлмоқда. Дзю-до бўйича ўз вазн тоифасида республика чемпиони Феруза Нарзуллаева, республика ва Осиё мусобақаларида совриндорлар сафидан ўрин олган Дилрабо Донаева, Феруза Файзиева эришган натижалар эътирофга лойиқ. Коллежнинг баскетболчи қизлари ҳам қатор нуфузли мусобақаларда пешқадамлик қилиб келмоқда.

Суратда: ўқитувчи Гулсора Ҳақназарова тасвирий санъатдан сабоқ бермоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат

Муҳофаза

Наманган дон маҳсулотлари акционерлик корхонаси ходимлари Алишер Азимов ва Насриддин Дадабоевлар жорий йилнинг 19 октябр куни Наманган туман Боғишамол қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Тепа маҳалла» қишлоғига хизмат юзасидан бораётиб, кутилмаган вокеа содир бўлди.

Масъулиятсизликнинг фожиали интиҳоси



Баланд девор жон киргандек йигитларнинг устига ағдарилиб тушди! Масъулиятсизликни қарангки, ичкарида туриб деворни қулатаётганлар кўча томонда одам бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўришмаган, қолаверса, корхонада меҳнат муҳофазаси борасида етарли ўйлаб ҳам кўрилмаган экан. Бу фалокат оқибатида Н.Дадабоевнинг чап сон суягининг учдан бир қисми майдаланди. Бош миясининг чайқалиб, бурун суяги синди. А.Азимовнинг чаноқ суяклари ёпиқ жароҳатланди. Ўнг ва чап ўтиргич ва қов суяклари жиддий шикастланди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси томонидан ўтказилган махсус текширишда шикастланганлар меҳнат қилаётган корхонада кейинги пайтларда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги маълум бўлди. Акциядорлик жамияти раиси вазифасини бажарувчи А.Мамажонова, бош муҳандис вазифасини бажарувчи Б.Бектемиров ҳамда юклаш-тушириш ишлари бошлиғи Х.Юсупжоновлар ходимларни меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларидан етарли даражада хабардор этмаганлар. Бу борадаги ишларни бўшаштириб юборганликлари учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Баъзи раҳбарлар ўзлари ишлаб турган лавозимни, шу лавозимга тегишли мулкни оталаридан қолган меросдек тушунишади ва улардан кўнгиллари тусаган йўсинда фойдаланишга ҳаракат қилишади. Чуст тиббиёт коллежи раҳбари А.Ёдгоров вилоят марказига йиғилишга чақирилган куни хизмат автомобили ҳайдовчисига тайинлади:

— Эртага автомобилни тайёрлаб тур. Вилоятга барвақт жўнаймиз!

Эртасига автомобилга ўтирди. Юмушлар билан бўлиб, йўлга кечроқ чиқишган эмасми, ҳайдовчига тезроқ юришни тайинлади. Автомобилда ортиқча тезлик яхшилик келтирмайди. Бу гал ҳам шундай бўдди. Улар ўтирган «Тико» Наманган-Чуст йўлининг 52-километрида қаршидан келаётган «Нексия» автомобили билан тўқнашиб кетди. «Тико» ҳайдовчиси К.Ҳикматов автоҳалокат натижасида вафот этди. Раҳбар тан жароҳати олди.

Норин туманида юз берган фалокат ҳам раҳбарлар масъулиятсизлиги, меҳнат хавфсизлиги масаласига етарли эътибор қилинмаганлиги оқибатидир. Гап шундаки, «Ободон» ишчиси, 1981 йилда туғилган Умиджон Отабоевга 24 сентябр куни шаҳар кўчасидаги чинор дарахтларини бутаб, тартибга келтириш юзасидан топшириқ берилди. Бир амаллаб дарахтга чиқиб ўзини арқон билан боғлаётган Умиджон эҳтиётсизлик қилиб, 6 метр баландликдан ерга қулаб тушди ва оғир тан жароҳати олди. Хавфсизлик техникаси бўйича масъул М.Матяков Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига асосан жаримага тортилди.

Бундан хулоса шуки, қаерда тартиб-интизом, ўз вазифаси талабларини тўла англаб етиш ҳукмрон экан, жамоа аъзолари тинч, хотиржам меҳнат қилади. Акс ҳолда...

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшма ҳаёти

Ошкоралик руҳида

Вобкент туманидаги 1-мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитасининг бу галги ҳисобот-сайлов йиғилиши аввалгиларидан кескин фарқ қилди. Аввало, тадбирга пухта тайёргарлик кўрилди. Марказий кенгаш томонидан берилган «Касаба уюшма органларида ҳисобот-сайловлар ўтказиш тўғрисидаги низом» чуқур ўрганилиб, ундаги талабларнинг тўлиқ бажарилиши таъминланди.

Касаба уюшма қўмитасининг фаолиятига доир меъёрий ҳужжатлар, стендлар, видеотасвирлар тайёрланди. Иккинчидан, йиғилиш ошкоралик руҳида ўтди. Маърузачилар ютуқларни эътироф этган ҳолда камчиликлар тўғрисида алоҳида тўхталдилар. Касаба уюшма фаолиятини янада кучайтириш борасидаги фикрларини билдиришди.

Шу ўринда мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Шоиста Раҳмонованинг хизматларини алоҳида эътироф этиш ўринли. Туманда унинг тажрибаси оммалаштирилгани, у бошқараётган қўмитага Марказий кенгаш томонидан мусиқа маркази тақдим этилгани ва бошқа рағбатлантиришлар Ш.Раҳмонова хизматларининг муносиб мевасидир.

— Тармоқ касаба уюшма органларида бу йилги ҳисобот-сайловларнинг юқори савияда ўтиши учун пухта ҳозирлик кўрган эдик, — дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши раиси Бахшилло Умаров. — Дастлаб Бухоро шаҳридаги 26-умумтаълим мактабида намунавий семинар ўтказдик. Унда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раисининг ўринбосари М.Шарифжонов қатнашди, ишларимиз билан танишиб, ўз маслаҳатларини берди. Кейин ана шундай тадбирларни ҳар бир туман миқёсида ўтказдик. Бу бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайловларнинг самарали ўтишини таъминламоқда.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Шукроналик

Кам бўлмадик

Қирқ йилдан буён тракторчилик қиламан. Экин майдонларини шудгорлашдан тортиб, то ҳосилни саранжомлаб олгунга қадар бўлган жараёнда тинмайман. Барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари беш қўлдай таниш. Касбимни ардоқлаб, сира кам бўлганим йўқ. Меҳнатимнинг роҳатини кўриб юрибман. Яхшигина уй-жой қуриб олдик. Рўзғоримиз бут. Рафиқам Руқияхон билан беш нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдик. Қўшақўша тўйлар қилдик. Ўғилларим йўлимни танлашди. Давронбек билан бирга шу хўжаликда ишлаймиз. Достонбек коллеж талабаси.

Мустақилликнинг 18 йиллиги арафасида «Шуҳрат» медали билан мукофотландим. Бу кўнглимни тоғдек юксалтирди. Ғайратимга ғайрат қўшди.

Абдумавлон КАРИМОВ, Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги «Янгилик» фермер хўжалиги механизатори

Ҳуқуқий бадиа

Судни айблаб

Янги ишга келган пайтим эди. Ёноқларидан ёғ «сизиб» турган ўрта ёшли киши важоҳат билан кириб келди.

— Ўзим юристман, илгари «орган»да ишлаганман,— дея ўзини таништирди у. Сўнгги ишлаган корхонасининг камчиликларини гапира кетди.

— Ўз муаммонгизни айтинг,— гапини бўлдим унинг.

— Мен катта компанияда бўлим бошлиғи лавозимида ишлаганман. Қонунсиз бўшатишди. Судга берган даъво аризаларим рад этилди.

Аризасини қўлимга тутди.

— Бир мақола қилинг.

— Хатлар бўлими рўйхатга олсин. Менга топширишса, кўриб чиқаман.

Аризани кўрдим, бошқа идораларга мўлжалланганлиги билиниб турибди. Компютерда ёзилган бўлиб, фақат тепасида бинафша ранг шарикли ручкада таҳririятимиз манзили битилган.

Унда ёзилади: «Компания раиси буйруғига асосан мен эгаллаб турган лавозимимдан амалдаги Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига асосан, яъни корхонанинг тугатилганлиги сабабли озод этилдим».

У туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Даъво рад этилган. Кейинги босқич судлари ҳам ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришган.

Юқори суд инстанциясидан даъвогар олган жавоб хатининг асосий қисмини келтирамиз.

«Фуқаролик ишлари бўйича шаҳар суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг ҳал қилув қарорига кўра, даъво талабларингизни қаноатлантириш рад этилган.

Компаниядан Сизнинг фойдангизга икки ойлик маошингиз миқдорида неустойка ундирилган.

Шикоятингизда кўрсатилган важлар билан қуйидаги асосларга кўра келишиб бўлмайди.

Суд қарорларидан кўринишича, Компания раисининг буйруғига асосан Сиз билан компания ўртасида тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисмининг биринчи бандига асосан бекор қилиниб, сиз бўлим бошлиғи лавозимидан озод қилингансиз.

Мазкур компания раисининг буйруғига асосан сиз ишлаб келган бўлим тугатилган. Шунинг учун, Меҳнат кодексининг 103-моддаси талабига мувофиқ, суд томонидан сизни ўз лавозимингизда қолишда афзаллик ҳуқуқи бор-йўқлигини аниқлашнинг зарурати бўлмаган.

Компания раҳбарияти томонидан иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкинлиги ҳақида вақтида огоҳлантирилгансиз.

Касаба уюшмаси иш берувчининг юрист лавозимида ишлаш ҳақидаги таклифини рад этганингиз туфайли, Меҳнат кодекси 100-моддаси 2-қисмининг биринчи бандига асосланиб, сизни эгаллаб турган лавозимингиздан озод қилишга розилик берган».

Аризачи юрист-да (қуйида уни «Юрист» дея аташни лозим топдик – *Д.М.*), жавоб хати билан баҳсга киришади: суд Юрист бошлиқ бўлиб ишлаб турган бўлимнинг ҳуқуқий мақомини, яъни алоҳида юридик шахсми ёки компания таркибидаги бир бўлинма ҳисобланишини аниқламаган. Бу ҳолат айнан юридик бўлим бошлиғига нисбатан Меҳнат кодексининг 103-моддасини (ишда қолишда афзаллик ҳуқуқи) қўллаш ёки қўлламаслик учун асос бўлади.

Меҳнат кодексининг 101-моддаси 2-қисмига кўра, касаба уюшмаси қўмитасига ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласи ҳақидаги хабар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ёзма тақдимномасига асосан берилиши керак. Мазкур ҳолатда тақдимнома меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан берилмаганлиги эътибордан четда қолган.

Суд бўлим бошлиғи унга бошқа иш таклиф қилинган тақдирда меҳнатга қобилиятсиз бўлганлиги, касаба уюшмаси мажлисида қатнашмаганлиги ва бунинг оқибатида меҳнат

Орамиздаги одамлар

Эл-юрт ҳурматига сазовор

Баҳодир Бекчановни юртдошларимизга таништиришга ҳожат йўқ. Ажойиб спортчи, халқаро тоифадаги ҳакам, истеъдодли спорт журналисти ва шарҳловчиси сифатида уни кўпчилик яхши билади. Урганч туманининг Чакка шоликор қишлоғи Ўрта ёп маҳалласида таваллуд топган Баҳодир Бекчанов болалигидан спортга меҳр қўйди. Бу меҳр уни 1968 йилда Самарқанд шаҳридаги жисмоний тарбия техникумига ўқишга даъват этди: техникумни тамомлагач, мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси ва эркин кураш бўйича мураббий бўлиб иш бошлади.

Изланувчан, интилувчан Баҳодир таҳсилни жисмоний тарбия институтида давом эттирди. Кейинчалик Урганч шаҳрида БЎСМ директори, эркин кураш ва миллий кураш бўйича бош мураббий ва бошқа лавозимларда фидойилик билан меҳнат қилди.

Юртимиздан дунёга машҳур кўплаб полвонларнинг етишиб чиқишида Баҳодир Бекчановнинг муносиб улуши бор. К.Абдалов, О.Абдуллаев, Р.Юсупов каби Ўзбекистон, Марказий Осиё ва жаҳон чемпионлари ўзларини Баҳодир аканинг шогирдлари деб ҳисоблашади. Устоз фаолияти давомида 3 нафар халқаро тоифадаги устаси, 35 дан зиёд спорт устаси, 600 дан зиёд оммавий разрядли спортчиларни етиштиришга муваффақ бўлди.

Жамоат ишларида фаол Баҳодир ака узоқ йиллар вилоят кураш миллий федерациясида бош котиб, бош мураббий сифатида самарали фаолият кўрсатди. Унинг раҳбарлигида вилоят терма жамоаси полвонлари 18 марта Ўзбекистон, Марказий Осиё халқаро мусобақаларида, фестивалларда ғолибликни қўлга киритишди. «Умид ниҳоллари — 2003» ўйинларининг кураш бўйича бош совринини қўлга киритишди. Унинг ташаббуси билан Хоразмда йилнинг «Энг яхши спортчиси», «Энг яхши мураббийи», «Энг яхши ҳакам» каби кўрик танловлар уюштирилиб, ғолиблар рағбатлантирилиб келинмоқда. Кураги ерга тегмаган Паҳлавон Маҳмуд хотираси соврини учун мусобақалар уюштириш таклифи ҳам айнан Баҳодир Бекчановдан чиққан. 1980-йиллардаёқ миллий курашимизни ривожлантириш ташаббуси билан чиққан Баҳодир Бекчанов истиқлол берган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда ушбу курашнинг дунё миқёсида юксалишига муносиб улуш қўшиб келмоқда. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан 2005 йилда Хоразм вилояти спорт тарихи ва шон-шуҳрати музейи ишга туширилди, 2006 йилда Урганч туманида «Паҳлавон» спорт мажмуаси қуриб битказилди.

Айни пайтда Паҳлавон Маҳмуд хайрия жамғармаси раиси, Урганч туманидаги 2-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг кураш бўйича бош мураббийи сифатида Баҳодир ака спортнинг янада тараққий этиши, янги номлар кашф этилиши учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда.

От изини той босар, дейди халқимиз. Баҳодир аканинг фарзандлари спортни жон-дилдан севишади. Катта ўғли Жалолиддин енгил атлетика бўйича, Жамолиддин эса стол тенниси бўйича мураббий.

— Турмуш ўртоғим Гулбаҳорхон билан беш фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Қизларим ва келинларим ўқитувчи, тарбиячи, — дейди Баҳодир ака. — Оиламнинг тинчлиги, турмуш ўртоғимнинг тушуниш ва қўллаб-қувватлаши менга ҳар доим қанот бўлиб келган. 10 неварани бобосиман.

Баҳодир аканинг хизматлари муносиб тақдирланиб келмоқда. «Ёшлар мураббийи», «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» нишонлари, бир қатор давлат медаллари, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» унвонига сазовор бўлган Баҳодир Бекчанов мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги байрами арафасида «Эл-юрт ҳурмати» орденига мушарраф бўлди.

— 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши мени бениҳоя хушнуд қилди, — дейди Баҳодир ака. — Ёшлар тарбиясига янада кўпроқ ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

М.ТЎРАБОЕВА

Долзарб мавзу

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Пақилдоқлар — саломатлик кушандаси

Шунга қарамай кўнгилга хиралик солувчи воқеа-ҳодисалар ҳамон учраб турибди. Айтиш керакки, пиротехника воситалари кўпинча болаларнинг оғир жароҳат олишларига сабаб бўлмоқда. Чунки аксарият болалар хавфсизлик йўриқномаларидан фойдаланишмайди. Бундан ташқари, пиротехника воситаларининг аксарияти яроқсизлиги туфайли қўлда портлаб кетади. Натижада, кўзнинг куйиши, баъзан иккала кўзга зарар етиш ҳолатлари юзага келмоқда.

Узилган бармоқлар, юзнинг чуқур жароҳатларини даволаш шифокорлар учун одатий ҳол бўлиб қолмоқда. Нам тортган пиротехника воситаларини қуритиш учун радиаторларнинг устига қўядиган «ақлли»лар ҳам топилади. Албатта, улар пиротехника воситаларини +37 °Сда пақиллаши мумкинлигини билмайдилар. Кийимнинг ички чўнтагида қизиган пақилдоқ портлаб кетиши мумкин.

Афсуски, интернетда пиротехника воситаларини «Ўзинг яса» қабилида йўриқномалар мавжуд. Апил-тапил ўрнатилган ракета ҳамда бошқа ҳавода портловчи ўйинчоқлар ёнида турадиган болалар бундан кўпроқ жабрланадилар. Масалан, «Рим шами» осмонга учиш ўрнига қорнингизга урилиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Болалар жароҳатланишининг кўпроқ учрайдиган сабабларидан яна бири бу ишламаётган, носоз пиротехник воситасини текшириб кўришдир.

Ракета устига эгилиб, шнуридан тортиб ишлаётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун юзингизга яқинлаштириб кўринг-чи, байрамни уйда эмас, балки касалхонада нишонлашингиз аниқ. Энг ачинарлиси, ишламаётган ва кўчада қаровсиз қолдирилган петардани йўловчилар босиб ўтишлари мумкин. Бундай хавфли «ўйинчоқ»ларни ҳовлида ўйнаб юрган болаларнинг ердан кўтаришлари оқибатида қанчалик кўп фожиалар юз бераётганининг гувоҳи бўлганмиз. Ҳатто бенгал оловлари ҳам шунчалик қаттиқ қизиб кетиши кўп бор кузатилган.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз: пиротехника воситаларини харид қилманг ва улардан фойдаланманг.

Яна ҳам тушунарли бўлиши учун, 2008 йил якуни ва 2009 — Янги йил байрами атрофида битта шаҳар Тез тиббий ёрдам клиник шифохонасига пиротехник воситаларидан фойдаланиш натижасида жабрланиб мурожаат қилган беморларни сонини кўрсатиб ўтамиз:

Жароҳат олганлар	Жабрланганлар сони
Кўз соҳасининг куйиши	22
Юз, қўл, бўйин, елка ва думғаза соҳаларининг куйиши	27
Бармоқ соҳаларининг куйиши	5
Қўл ва юз соҳаларининг йиртилган жароҳатлари	4
Тепа жағ, бурун синиши ва кўз гематомаси	4
Бармоқларнинг лат ейиши	1
Бармоқларнинг узилиши	1

Ҳурматли ота-оналар, фарзандларингизни назорат қилинг, пиротехника воситаларини ўйнаб, шикастланишларига йўл қўйманг!

Шукрулло РАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ ходими
Илмира БОСИТХОНОВА,
Тошкент шаҳар Тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бош шифокори

Олам ва одам

Симобдан заҳарланиш

«Синхуа» агентлигининг хабар қилишича, Хитой жанубида жойлашган Гуандун вилоятидаги корхоналардан бирининг 152 нафар ишчисида симобдан заҳарланганлик аломатлари қайд этилган. Тиббий таҳлил натижалари ишчиларнинг организмида ушбу металл концентрацияси ошиб кетганини кўрсатди.

Корхона эгаси бўлмиш «Foshan Electrical and Lighting» компанияси вакилининг баёнотига кўра, суюқ симоб фабрикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таркибига киради. Унинг тахминича, заҳарланиш ишчиларнинг хавфсизлик қоидаларига амал қилмаганлиги, аниқроғи, ҳимоя ниқобларидан фойдаланмаганлиги оқибатида юз берган.

Фабрика меҳнат хавфсизлиги назоратчисининг сўзларига кўра, жабрланганларнинг барчаси чуқурроқ тиббий текширув ўтказиш учун жўнатилади. Ишчилар эса соғлиғига етказилган зарарни ундириш мақсадида корхона раҳбариятини судга беришни мўлжалламоқда.

Аргентина президенти Марказий банк бошлиғини ишдан бўшатди

Аргентина президенти Кристина Фернандес де Киршнер пайшанба куни мамлакат Марказий банки бошлиғи Мартин Редрадони вазифасидан бўшатиш ҳақида қарор қабул қилди. Редрадо аввалроқ ўз ихтиёри билан истеъфога чиқишдан бош тортган эди.

Қарор ҳукуматнинг барча аъзолари томонидан имзоланган. Шунингдек, Киршнер мамлакат бош прокурорига Редрадонинг хизмат вазифасини бажармаганлиги билан боғлиқ тергов ишларини бошлаш ҳақида топшириқ берган.

Президент ва Марказий банк бошлиғи ўртасидаги низога Киршнернинг Редрадога мамлакат олтин захираларидан 2010 йил учун ташқи қарзлар тўлови фондига 6,5 миллиард доллар ўтказишни талаб қилгани ва ушбу талабни Редрадо рад этгани сабаб бўлган.

Айтиш жоизки, мамлакат қонунчилигига биноан Аргентина президенти Марказий банк бошлиғини ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга эмас — бунинг учун парламент қарори талаб қилинади. Кузатувчиларнинг тахминига кўра, юзага келган ушбу сиёсий инқироз мамлакат инвестицион муҳити ва иқтисодиётига салбий таъсир этиши мумкин.

Америка фуқароси жиноят жойида ўз фарзандларига дуч келди

Американинг Колорадо штатида бир жиноятчини ўз фарзандлари жиноят жойида таниб қолган ва уни полиция қўлга олган. Бу ҳақда «Associated Press» агентлиги хабар тарқатди.

33 ёшли Раул Госин-Валензуэла дўстига шахсий муаммоларини ҳал қилиш ва собиқ хотинидан ўч олишда ёрдам беришга бел боғлаган. Бунинг учун улар аёлнинг янги «дўсти»ни дўппослаш мақсадида унинг уйига бостириб киришган.

Лекин бу вақтда энага бўлиб ишловчи аёл уйида Госин-Валензуэланинг 8 ва 11 ёшли фарзандлари бўлган. Улар Госин-Валензуэла ниқоб билан юзини яширишга уринишига қарамай оталарини таниб қолишган.

Дўстлар режасини амалга оширишга муваффақ бўлишмади. Ҳеч ким жабрланмаган. Полиция эса болаларнинг кўрсатмаларига биноан Госин-Валензуэлани уйга ноқонуний бостириб кириш, қулф-бузарлик ва бошқа айбловлар билан қўлга олган.

Айни пайтда қонун ҳимоячилари айбланувчининг дўстини қидиришмоқда.

10500 вагон юк

Россиянинг «Интерфакс» агентлиги «Узоқ Шарқ темир йўллари» матбуот хизмати маълумотларига таянган ҳолда хабар беришича, шу кунларда тахминан 10500 та вагон уланган 192 та юк поезди Приморе ва Хабаров ўлкаси портларига ўтиш йўлида юклар туширилишини кутиб, тўхтаб турибди. Бунга юкларнинг портлар томонидан вақтида тушириб олинмагани сабаб бўлган. «Бундан ташқари, шундай қийин вазиятда кўпгина портлар ва нефт омборлари маъмурияти юкларни тушириб олишни жадаллаштириш ўрнига дам олишни афзал кўришди», — дейди юк ташиш хизмати бошлиғи Александр Караев.

Матбуот хизматининг изоҳига қараганда, юк тушириш ишлари сурьатининг пасайишига об-ҳаво ҳам таъсир қилган. Кучли қор ёққанлиги учун юкни қабул қилувчилар ўтиш йўлларини вақтида тозалай олмаган. «Узоқ Шарқ темир йўллари» маъмурияти юзага келган вазиятни бартараф этиш чораларини кўрмоқда.

Интернет хабарлари асосида Жаҳонгир ЮНУСОВ тайёрлади

бўлмайди

қонунчилигида кўзда тутилган ўз ҳуқуқларидан фойдалана олмаганлиги ҳақидаги важларига умуман баҳо бермаган ҳолда давони рад этиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Юрист ўз важларини бир неча қонунлар моддалари билан «далиллайди». Ҳаммаси тўғридай. Аммо ҳар ким ўзининг ҳақиқати учун курашаркан. Бунга тўлиқ ҳақи бор. Балки Юристни «кураш»га руҳлантирган унинг бу соҳадаги етарли билими-ю, айрим идоралардан олган жавобларидаги мужмалликлардир.

Тўғри. Баъзи масалани ҳал қилишда жузъий камчиликларга йўл қўйилади. Лекин бу моҳиятни ўзгартирмайди. Гап шундаки, айнан шу масалалар аввал биринчи бочқич судида кўрилган, муҳокама қилинган, ҳуқуқий баҳо берилган.

«Вергул қўймабди», «нуқтаси қолиб кетибди» дейишдан наф чиқармикан. Сал эътибор билан қаралса, қайси ҳолда касаба уюшмаси қўмитаси розилигини олиш талаб этилмаслигини билиш мумкин.

Ўзи нима бўлган эди?

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳот корхоналарда боқиманда бўғиндан воз кечишни тақозо этади. Бозор иқтисодиётининг талаби шу. Номи қанчалик баланд жарангламасин, корхона мамлакат, бўлим корхона корига ярамаса нима керак. Шунда маблағ тежалади. У ҳақиқий ишлайдиган ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш учун йўналтирилади. Бу, албатта, кимларгадир ёқмаслиги ҳам мумкин. Иссиқ жойни совутиб...

Бизнинг назаримизда, масала унча мураккаб эмас. Ўзингиз ўйланг. Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-банди. Меҳнат шартномаси «технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги» учун иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинади.

Тўғри, корхона тугатилган деб бўлмайди. У қайта ташкил этилди. Ходимлар штати ўзгардими? Ҳа. Ишнинг хусусияти ўзгардими? Ҳа. Ходимлар сони қисқараётгани йўқ, балки кўпайгандир. Аммо лавозим қисқарди. Аризачи бўлим бошлиғи эди. Ўша бўлим энди йўқ. Меҳнат шартномаси шунга мувофиқ тузилган эди. Буни раиснинг ўзи ўйлаб топгани йўқ. Фаолият такомиллашди. Меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар шуни талаб қилаяпти. Янги раҳбар келганлиги кимгадир маъқул эмасдир. Аммо меҳнат шартномасининг ўзгаришига сабаб бу эмас.

Аризадаги сатрлар: «...Мен жиноятчиси эмасман... Мени ишга тиклашнинг иложи йўқ эмиш... Бу мен учун ўлим билан баравар. Мен юртим учун қон тўкканман. Бу билан ғурурланаман. ...Мен тозаман. Бундай яшаш нечоғлик оғир... Умримни ғам билан ўтказмайин... Тикланглар...»

У киши билан шундай суҳбат бўлиб ўтганди:

— Қон тўккан экансиз.

— ...отишма бўлганди.

— Ярадор бўлганмисиз?

— Йўқ.

— «Яшаш оғир, умрим ғам билан ўтади», дебсиз. Жуда ночормисиз? «Орган»дан пенсияга чиқиб, бу корхонага ишга ўтмаганмисиз?

— Ҳа, пенсия оламан.

— Адвокатлик бюроси ҳам очганмисиз?

— Ҳа.

— Маҳалладан ҳам ёрдам оласизми?

— Оз-моз.

— Жуда қийналиб кетибсизми, дебман.

— Худодан нолийдиган жойим йўқ. Фалон тоғ адирларида чорвам ҳам бор.

— Насиб қилсин!

Жалолиддин Румий деганлар: бир кишининг эшаги бор эди, аммо жабдуғи йўқ эди. Жабдуғни топганда, эшагини бўри еб қўйди.

Ҳам эшаги, ҳам жабдуғи борнинг қайғуси не?

Сен минган от ўлиб қолди. Ўлган отга қамчи урмайдилар. Чавандозлик даъво қилсанг, бошқасига миндириш улов эгасининг иши.

Довуд МАҲДИЙ

Тараққиёт

Юксалаётган КОРХОНА

2005 йил май ойида Жиззах шаҳрида ташкил этилган «Ewroasia Karpet» қўшма корхонаси асосан гилам ишлаб чиқаради.

Қонун ҳужжатларида Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритаётган чет элликларга имтиёз ва преференциялар бериш кўзда тутилган. 2009 йили солиқ имтиёзларидан фойдаланиш натижасида вилоятимиз корхона, компания ва хўжаликлари ўз молиявий ресурсларини 2,3 млрд. сўмга кўпайтирди.

Қўшма корхона «Жизтекс ЛТД» ишлаб чиқариш фирмаси ҳамда Туркиянинг «Hms Is Dis Turizm Pas Ltd Zti» фирмасининг 51 фоизлик улуши асосида иш бошлади. Шундан бери корхона Туркиянинг «Aciksoz iplik», «Guyzan», Эроннинг «Vatan tpading Co», «Arta Tech Co» фирмалари билан шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни кенгайтириб келаяпти. Туркия ва Германиянинг гилам тўқиш дастгоҳлари билан жиҳозланган корхона йилига 720000 м² гилам ишлаб чиқариш имконига эга.



Гилам ишлаб чиқаришда асосий хомашё бўлган полипропилен, синтетик ва жун иплар юқоридаги хориж фирмалар томонидан етказиб берилади. Айни кунларда қўшма корхонада 83 нафар ишчи фаолият юритаяпти. Ўтган йили 560000 м² гилам ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 600000 м² га етказиш режалаштирилган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар республика миқёсида элликдан зиёд тадбиркорлик субъектига шартнома асосида етказиб берилмоқда. Йилдан-йилга корхона гиламларига бўлган талаб ортаяпти.

Гулчехра ЎРДУШЕВА,
Жиззах вилоят давлат солиқ бошқармаси
Ахборот хизмати раҳбари

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилоятидаги вакиллиги жамоаси вакилликнинг собиқ ходими

Маъмура ЮЛДАШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2010-yil 9-yanvar № 4 (2729)

Маънавий тарбия

Кийим ва анъана

Қадимдан ҳар бир халқ маҳаллий ва диний қарашларидан келиб чиққан ҳолда бичиш-тикиш ва кийиниш билан боғлиқ урф-одатларга риоя қилиб келган. Йиллар ўтиши билан булар анъанага айланган.

Анъанавий кийимлар у ёки бу халқ маданиятининг ажралмас қисмидир. Навоий асарларида «либос», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ»ида «кэйим», форсларда «сарупо» тарзида ишлатилувчи бу атама қадимги ёзма ёдгорликларда ҳам учрайди. Баъзи турк халқларида «кийим», «сарупо» тушунчаларига куёв томонидан келинга сарфланадиган моддий харажатларнинг бир қисми деб қаралса, ўзбек ва тожикларда куёвнинг келинга қиладиган тортиғи сифатида тушунилади.

Халқимизда шод-ҳуррамлик ёки қайғули кунларни билдириш учун шунга мос равишда кийиниш одати мавжуд. Оқ, кўк, қизил ва қора матолардан тикилган кийимлар турли рамзий ҳолатларни ифодалайди. Сурхондарёда аёлларнинг ёши билан боғлиқ рамзий ҳолатларни ифода этувчи кийимлар тикилади. Жумладан, тўйларда келин бўлмишга «келин қалпоқ» ёки «думалоқ қалпоқ» деб номланган бош кийим кийдирилса, иккинчи кун «кампир ёқа» деб аталган узун, тик ёқали кўйлак кийдириш маросими ўтказилган. Одатга кўра, келинлар оилада биринчи фарзанд туғилгунга қадар келинлик либосини кийишган.

Кийимлар кишининг ёшига, оила ва жамиятда тутган ўрнига қараб турли матолардан тикилган. Уларнинг ранги ҳам аҳамиятли бўлган. Жанубий воҳаларда азадорнинг кийими оқ, ҳаворанг ва кўк матолардан бўлса, Фарғона водийсининг айрим ҳудудлари ва Тошкентда асосан қора ранг азадорлик белгиси сифатида қабул қилинган. Аза либосларини кийиш бир йилга қадар давом этган. Марҳумнинг вафотига йил тўлганда, йил оши берилгач, аза кийимлари ечилиб, кўмиб ташланган ва аза кийимини ечган аёлларга янги матодан кўйлак кийдирилган. Бу маросим «кўк ечди» деб номланган. Кийим-кечакларни сақлашда ҳам ўзига хос усуллардан фойдаланилган. Асил матоли кийимлар бўғчаларда сақланса, эркакларнинг чакмон, пўстин, тўн каби устки кийимлари уйнинг тўрида кашта, сўзана, зардеворлар устидан осиб қўйилган. Сандиққа жойлаштирилган матоларни сақлашда уларнинг орасига ўткир ҳид таратувчи исириқ, райҳон, ялпиз каби ўсимликлар ташлаб қўйилган.

Ўтмишда чақалоқ ва ёш болаларнинг кийимларига алоҳида эътибор қаратилган. Чақалоқларга янги матодан тикилган кийимлар кийдирилмаган, балки кексаларнинг эски кийимларидан махсус кийимчалар тикилган. Булар, биринчидан, боланинг умри узоқ бўлсин деган ниятда, иккинчидан, кийилган кийимларнинг матоси ювилиб, кийилиб, юмшоқ ҳолга келиб қолгани ва боланинг баданига мос бўлгани учун қилинган. Ҳаво ўтказувчан бу матолар боланинг соғлом ўсишида муҳим аҳамият касб этган. Болаларнинг оёқ кийимлари хилма-хил бўлмаган. Улар қишда «мукки», «чориқ» каби оддий, теридан ишлов бериб тикилган пойабзал кийишган.

Ўрта Осиёда қадимдан тотемистик қарашлар, яъни маълум бир ўсимлик ёки ҳайвон турига, уларнинг муайян қисмларига кишини турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилувчи восита деб қаровчилар ҳам мавжуд. Болаларнинг соғлиғини асраш, соғ-саломат улғайтириш, турли инс-жинс ва ёмонликлардан сақлаш мақсадида кийимларига тоғда ўсадиган туғдона дарахтидан турли шаклда ясалган кўзмунчоқлар, қуш патлари, ҳайвон тирноқлари тақиб қўйиш одати шундан келиб чиққан.

Умуман, болалар кийимида ҳимоя вазифасини бажарадиган муҳим белгилар, яъни турли хил матодан елка, енгларга қуроқ тикиш, ризқли бўлсин деб икки ёнига чўнтак тикиш, оилада болалари изма-из туғилиб, ўсиб-улғайсин деб уч ёшга қадар кўйлак этакларини қайтариб тикмаслик каби урф-одатларда оқ ниятлар мужассам.

Шубҳасиз, халқимизнинг урф-одат ва анъаналари ёш авлодни аждодларимизга ҳурмат, киндик қони тўкилган муқаддас заминга садоқат руҳида тарбиялашда мактаб вазифасини ўтайди.

Умида ЭРГАШЕВА,
1-республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Алишер Навоий номидаги катта академик театрда «Дўстлар даврасида» байрам тадбири бўлиб ўтди.
Суратда: тадбирдан лавҳа.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Спорт саltанати

14 Январ — Ватан ҳимоячилари куни

Юртимиз ва халқаро майдонда довруқ қозонаётган спортчилар орасида ҳарбий соҳа вакиллари ҳам талайгина. Шулардан бири халқаро тоифадаги спорт устаси, кичик сержант Леонид Андреевдир.



Ота ўғил

ёхуд операциядан сўнгги юксак натижа

У мураббийи ва отаси Владимир Андреевдан кўп нарсаларни ўрганди. Ўқув машғулотлари, навбатдаги мусобақага тайёргарлик, узоқ юртга сафар, турнирларда қатнашиш...

2009 йил Л.Андреев учун омадли бошланди. У йил мобайнида халқаро ареналарда тўққиз марта муваффақият қозонди. Хусусан, Германияда ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи мусобақанинг лангарчўпда сакраш бўйича баҳсларида 5,63 метр натижа қайд этиб, олтин медал билан тақдирланди. Швециянинг Гётеборг шаҳрида ташкил этилган халқаро мусобақада бронза медал соҳибига айланди.

— Л.Андреев интилувчан спортчи, — дейди МХСКнинг енгил атлетика бўйича катта мураббийи Анвар Кўчмуродов. — Ҳозир унинг энг юқори натижаси 5,75 метр. Бу натижага у Пекин Олимпиадаси олдидан Ўзбекистон чемпионатида эришган, Пекинда эса 5,70 метр натижа кўрсатган эди. У 2002 йили Ямайкада ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги дунё биринчилигида жаҳон чемпиони бўлди. Шунда мутахассислар унинг келажагига катта умид билдирганди. Лекин жароҳат олиб, 2004 йили операция столига ётишига тўғри келди. Айнан шу паллада Л.Андреев нафақат моҳир спортчи, иродали инсон эканлигини ҳам намоён этди. 2006 йили Қатарда ўтказилган Осиё ўйинларининг кумуш медалини қўлга киритди. Бу унинг ўзига бўлган ишончини оширди.

Полшада ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи яна бир йирик халқаро мусобақанинг совриндори бўлди. 5,42 метрлик натижа унга Грап-прининг кумуш медалини тортиқ этди. Бу Марказий ҳарбий спорт клуби вакилининг 2009 йилдаги тўртинчи муваффақияти эди.

Муваффақиятлар туркуми уни Францияда ўтадиган Гран-при мусобақасига таклиф этилишига сабаб бўлди. Альбервил шаҳрида у аввалги натижасини янгилади — 5,46 метр баландлик унга кумуш медални ҳадя этди. Ўзбекистон мадҳияси Франция бўйлаб баралла янгради. Унинг сабабчиси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг содиқ ўғлони — Леонид Андреев бўлди. У лангарчўпда 5,70 метрлик маррани забт этди ва олтин медалини қўлга киритди.

Германиянинг Карлсрой шаҳрида Гран-прининг олтин медалини олиш учун унга 5,63 метрлик натижа кифоя қилди. Ноябр ойида Ветнамнинг Ханой ва Хошимин шаҳарларида ўтказилган ёпиқ иншоотлардаги спорт турлари бўйича III Осиё ўйинларининг 24 та медалини қўлга киритган терма жамоа ҳисобидаги битта олтин медал айнан унга тегишлидир.

Расул ЖУМАЕВ,
майор

Юксак эътироф

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) жаҳоннинг 2009 йилдаги энг кучли 26 нафар футбол ҳакамини эълон қилди. Улар орасида ҳамюртимиз Равшан Эрматов ҳам бор.

Р.Эрматов — ФИФА таснифидаги учрашувларни бошқариб келаётган халқаро ташкилот рўйхатидан жой олган ҳакамлар орасида энг ёшидир.

Р.Эрматов учун 2009 йил муваффақиятли ўтди. У ФИФА ва Осиё футбол конфедерацияси томонидан ўтказилган жаҳон чемпионатининг саралаш босқичи, Осиё чемпионлар лигаси баҳслари ва Нигерияда ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати учрашувларида бош ҳакам вазифасини муносиб уддалади.

Тажрибали мутахассис ФИФА томонидан жорий йил Жанубий Африка Республикасида ўтадиган жаҳон чемпионатига жалб қилиниши мумкин бўлган ўттиз саккиз нафар ҳакам рўйхатидан ўрин олган.

Н.МАХАМОВ

Бадиият булоғи

«Бахт-саодат боғлари»

Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳийнинг тарихий асарлари XVIII-XIX асрлар ўзбек хонликлари, айни пайтда, қардош туркман, қозоқ, қорақалпоқ халқлари тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Шундай асарлардан бири бўлмиш «Риёз уд-давла»да Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаёти, аниқроқ айтадиган бўлсак, Оллоқулихон ҳукмронлик қилган давр батафсил ёритилган. Бу эса ўша даврдаги шароитни нафақат билиш, балки ўша замонда «яшаш» имконини беради.

Огаҳий шарқ шеъриятининг мураккаб усулларини, санъаткорлик сирларини пухта эгаллаганлиги ижодий меросида ўз иньикосини топган. У ғазалдан ташқари мухаммас, мураббаъ, мусаддас, маснавий, фард, туюқ, қитъа, рубоий каби шеърий жанрларда ижод қилган. Маснавий ёзишда эса Алишер Навоий изидан боргани туфайли ҳам бу шеърият ўз мавзуси, мазмуни ва ижодий тамойиллари жиҳатидан ҳаёт билан чуқур боғланган.

«Риёз уд-давла»нинг ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган 821-рақамли қўлёзмасига асосланиб, асардаги маснавийлар ҳақида сўз юритамиз.

«Риёз уд-давла» «Бахт-саодат боғлари» деган маънони билдиради. Асар 1844 йилда ёзиб тугалланган бўлиб, 1825-1843 йилларга оид воқеалар, Хива хони Оллоқулихон ҳукмронлик қилган давр тасвирланади. У хонликнинг Россия билан алоқалари, Оллоқулихоннинг Хуросонга ва бошқа вилоятларга қилган ҳарбий юришлари ҳақида маълумот берган. Ўша даврда муҳим ишлардан ҳисобланган канал қазиш, суғориш иншоотларини яратиш, янги бинолар қуриш каби масалаларга ҳам тўхталиб ўтган. Айниқса, Огаҳийнинг 1827 -1828 йилларда Ойдўст раҳбарлигида бўлиб ўтган қўзғолон ҳақидаги батафсил маълумотлари диққатга сазовордир.

Хаттот Маҳмуд Ризо ибн Муҳаммад Карим томонидан ҳижрий 1298 йилда настаълиқ хатида кўчирилган «Риёз уд-давла» муқаддимасида 3 та маснавий битилган:

Қудратин чун Тенгри изҳор айлади,
Йўқдин ашёни намудор айлади.
Ҳикмат ила тузди олам кишварин,
Тоғу дашту водий ва хушку тарин.
Тўлтуруб они бани одам била
Нўши ишрат бирла ниши ғам била.
Бирни сойил, бирни султон айлади,
Бирни ғамгин, бирни шодон айлади...

Яъни, Аллоҳ куч-қудратини ошкор қилиб, йўқдан дўстлар гуруҳини бор қилди. Заковат билан дунёнинг мамлакат, вилоятларини, тоғу далаларни, водийларни, ер ва денгизларни яратди. У ерни одамлар билан тўлдирди. Одамларнинг баъзилари кайфу сафода турмуш кечирар ва баъзилари ғам-андуҳда яшаркан, бирини тиланчи, бирини шоҳ, бирини ғамгин, бирини шодон қилди. Унинг истаги билан инсон, ҳайвон ва жамики жонзотлар вужудга келди. Мавжудотда ўзини кўришни, муҳаббатда ҳусни зоҳир бўлишини истаган. Акс ҳолда, бутун борлиқ ва инсонни яратмасди. Билгинки, ҳаммаси бақосизликда тайёр бўлган, софлик нақшида бутунлай холисдир. Барчаси Аллоҳдандир, абадийлик ҳақ таолога хос, унга ўлим йўқ! Асли ҳақдан бўлган барча ашё боқий, унга ёт бўлгани фонийдир.

...Шаҳийким келди иззат тожи онинг
Буюкдур арршдин меърожи онинг.
Тўқуз гардун гардони хоки роҳи,
Малойик аҳли худдому сипоҳи.
Чу сурду ломакон сори таковар
Бўлуб пайки онинг номусу акбар.
Қилиб маскан мақоми қоба қавсайн
Кўриб матлаб юзин бир расу валайн...

Шоҳга ҳурмат тожи кийдирилди, унинг меърожи арршдан буюк бўлди. Тўққизинчи фалакда ер юзини айланди. Фаришталар унинг қўшини бўлди. Бўшлиқ томон (юрумол) от сурди, унинг элчиси энг катта номуси бўлди. Ёй оралиғини турар жой қилиб олди. Қанча хоҳиши бўлса, Аллоҳ унга шунча эҳсон, мурувват қилди. Олижанобликдан ҳурмат-иззати юқори бўлди, барча пайғамбарлар лавлок (энг олий рутба) маъвосида Муҳаммад (с.а.в.)га савлатдан тож кийдиришди. Пайғамбарлик муҳрига унинг шарафли исми Муҳаммад мангуга ёзилди.

...Мунаввар қилиб даҳр миръотини
Қуёш ўйлаким кеча зулмотини.
Бўлуб қаҳридин куфр эли мустаманд,
Иноятидин дин аҳли аржуманд.
Адам айлабон диний аъдосини
Ҳадам бидъату куфр маъвосини.
Жаҳон даштини гулистон айлади...

Қуёш кеча қоронғусини ёритгани каби олам кўзгусини ёритди. Унинг жаҳлидан исломни танимаганлар ғам-қайғуга гирифтор бўлди, динни қабул қилганлар эса Унинг марҳамати туфайли мўътабар, қадрли бўлди. Дин душманларини, бидъату куфр эгаларини йўқ қилди. Жаҳон даштини гулзорга айлантирди, Хўбон боғи сингари дилларни яратувчи қилди. Дунёдаги барча динга кирганлар кучли бўлсин ва унга эргашганлар мақсадига етишсин деди. Сўзни қисқа қилишни хоҳлаб тугатдим, пайғамбарни мадҳ этишни тугатдим.

Кўриниб турибдики, маснавийлар ниҳоятда халқчил ва самимий, жозибали ва дилкаш, содда ва ёқимли услубда ёзилган. Равон ўқилади, эсда қоларли даражада мусиқий, ўйноқи, шўх. Унда қуруқ жимжимадорлик, ғашга тегувчи шаклбозлик, ноўрин ишлатилган иборалар деярли учрамайди. Бундай етукликни таъминлашда ранг-баранг санъатлардан, услубий воситалардан усталик билан фойдаланилган.

Огаҳий ижодининг чуқур ижтимоий моҳиятини белгиловчи жиҳатлардан бири унинг илғор дидактик йўналишда юксак ахлоқий мезонларнинг бадиий талқинида юзага чиқади. Чиндан ҳам Огаҳийнинг бутун меросида комил инсон ғоясининг тарғиботи кучли. Бу ғоя олийжаноблик, ҳалоллик, одамийлик, поқдомонлик, саҳийлик, меҳрибонлик, тўғрилик каби соф инсоний фазилатларни улуғлаш йўли билан кишиларни ўзаро ҳурмат-эъзозга, меҳр-шафқатга, мурувватга ундаш ва айни пайтда таъма, очкўзлик, хиёнат, алдов, мунофиқлик, молу дунёга ҳирс қўйишни аёвсиз қоралаш воситасида олға сурилади. Шоир таъкидича, илм, ҳаё, хуш ахлоқ ва тавозеъ инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгилайди, унинг қадр-қимматини кўтаради.

Шоир ўз фаолияти давомида бадиий тадқиқотлар олиб бориб, анъанавий тасвир воситаларининг янги имкониятларини кашф этди, кўплаб беназир ва ўлмас лирик ва эпик тимсоллар, пурмаъно ва латофатли бадиий лавҳаларни яратди.

«Риёз уд-давла»даги маснавийлар Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт танг бир аҳволда бўлган даврда замон моҳиятини чуқур англаган ҳолда келажакка умид билан ёзилган. У эндигина ўз тамойилларига эга бўлаётган янги шеъриятнинг шаклланишида, адабий тилнинг бойиши ва такомиллашувида бетакрор ўрин тутди. Яқинлашиб келаётган мустабидлик зулматини англашга ва тарихнинг энг қалтис, мураккаб даврида ҳам ақл-идрок, сабр-тоқат билан иш кўришга ундади.

Энг холис ҳакам — вақт. Унинг синовига дош бериб, асрлар оша қимматини йўқотмай келаётган асарларни биз соддагина қилиб мумтоз асар деймиз. Огаҳий ижоди бор моҳияти билан мумтоз булоқлардан биридир.

Улдона АБДУРАҲМОНОВА,
ЎзМУ магистранти

Insonga naf keltirish - oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AllAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e`lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir:
D.Rahmonova
Navbatchi:
A. Abdullayev
Musahhih:
S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 20.00

Буюртма Г — 53

19514 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 5